



Nukus shahri, 230100, A.Dosnazarov k. 62

No'kis qalasi, 230100, A.Dosnazarov k. 62

Tel: (0-361) 2222437, 2229520: www.kkedu.uz, e-mail: goraqalpogiston_xtv@xtv.uz

12 - Апрель 2021-jil/yil.

№ 01-02/1-1831

**Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигига**

Кўчирмаси:

**Тахиатош тумани, Абдамбетов кўчаси
4-уй, 4-квартирада яшовчи фуқаро
Э.Кадировага**

Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиатош тумани, Абдамбетов кўчаси 4-уй, 4-квартирада яшовчи фуқаро Э.Кадированинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ишонч телефонига, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси ва Халқ таълими вазирлигига жорий йилнинг 7 апрел куни ёзган мурожаати Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди.

-Тахиатош тумани 10-сонли умумий ўрта таълим мактабида тарих фани ўқитувчиси бўлиб фаолият кўрсатади. 2013 йили К.Убайдуллаев номидаги ҚРПКҚТваМО институтида “Бошланғич синф ўқитувчиси” мутахассислиги бўйича 576 соатлик қайта тайёрлаш курсида ўқиб, тегишли диплом олган. Бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислиги бўйича ўтган давр ичида малака ошириш курсдан ўтмаган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1026-сонли қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган Низомнинг 1-боб, 5-бандида педагог кадрларнинг малака ошириш курсидан ўтиши 5 йилда камида бир мартаба этиб белгиланган) Фуқаро Э.Кадирова ўзининг асосий тарих фани ўқитувчиси мутахассислиги бўйича 2017 йили малака ошириш курсидан ўтказилган.

Фуқаро Э.Кадированинг аризасида келтириб ўтилганидек, ҳақиқатданда, мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Д.Кулбаева 2021 йил 4 январ куни мактаб директорининг 1-сонли буйруғи билан ҳомиладорлик ва туғиш таътилига юборилган. Мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Э.Кадирова ҳомиладорлик ва туғиш таътилига кетган Д.Кулбаеванинг 3а-синфдаги 13 соатини ва синф раҳбарлигини ўзига бекитиб бериш бўйича ариза билан мурожаат қилган. Ушбу аризага асос мактаб директорининг жорий йил 9-январдаги 7-сонли буйруғи билан ҳомиладорлик ва туғиш таътилига кетган Д.Кулбаеванинг 3а-синфдаги дарслари ва синф раҳбарлиги вақтинча фуқаро Э.Кадировага берилган.

Мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Б.Зияева ушбу масала бўйича ўзининг норозилигини билдириб, Тахиатош тумани халқ таълим бўлимига ариза билан мурожаат қилган ва ушбу масала мактабнинг жорий йил 22 январдаги навбатдан ташқари педагогик кенгашида муҳокам қилиниб, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига кетган Д.Кулбаеванинг 3а-синфидаги дарсларини жорий ўқув йилининг 3-чорагида вақтинча ўқитиш Э.Кадировага, 4-чоракда вақтинча ўқитиш Б.Зияевага берилиш бўйича қарор қабул қилинган. Мактабнинг 3а-синфидаги ҳомиладорлик ва туғиш таътилига кетган Д.Кулбаеванинг дарсларини вақтинча 3-чорак давомида Э.Кадирова тўлиқ ўқитиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 2020 йил 30 июндаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида синфларни комплекшлаш ва тарификация тизимини шакллантириш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” кўшма қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2020 йил 30 июнда 3271-сон билан давлат рўyxатидан ўтказилган) билан тасдиқланган низомга

асос диплом бўйича мутахассислиги бошланғич синф ўқитувчиси бўлган Б.Зияевага жорий ўқув йилининг 4-чорагидан бошлаб ҳомиладорлик ва туғиш таътилига кетган Д.Кулбаеванинг 3а-синфдаги дарсларини вақтинча ўқитиш белгиланган. Ушбу масала бўйича мактаб директорининг жорий йил 1 апрелда 43-сонли бўйруғи қабул қилинган.

Фуқаро Э.Қадированинг мурожаатида келтирилган масалалар бундан олдинги, яъни жорий йилнинг 9 март куни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига, 12 январ куни Қорақалпоғистон Республикаси Прокуратураси ва Халқ таълими вазирлигига ёзган такрорий аризалари да ҳам ёзилган эди. Ушу мурожаатлари белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиб, натижалари бўйича вазирлик томонидан фуқарога жорий йилнинг 18 март куни 01-02/1-1327- ва 23 март куни 01-02/1-1384-сонли хатлари билан тегишли тартибда жавоблар берилди.

Фуқаро Э.Қадированинг олдинги аризаларига мувофиқ Тахиатош тумани 10-сонли умумий ўрта таълим мактабида олиб борилган ўрганиш натижаларига асос мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Ш.Язовага Тахиатош тумани халқ таълими бўлимининг 2021 йил 16 мартдаги 92-сонли бўйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасининг 1-бандига асос “Ҳайфсан” жазо чораси кўрилган. Шунингдек, мактаб директори О.Абдихаликовнинг ўз лавозим мажбуриятларини олиб боришда юборган хато камчиликлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил 7 апрелдаги 22-ИЖ-сонли бўйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасининг 1-бандига асос “Ҳайфсан” жазо чораси кўрилди.

Фуқаро Э.Қадированинг аризасида келтириб ўтилган “2021 йил 5 апрел куни мактаб директори О.Абдихаликов ва директор ўринбосари Ш.Язова яна навбатдан ташқари педагог кенгаш ўтказиб, ҳамма касбдошларимни йиғиб мажлис ўтказди ва менинг шахсий оилавий ҳаётимни муҳокама этиб шаъним ва обрўйимни ўзининг мансабидан келиб чиқиб ҳамманинг олдида ... мени камситди ва менга руҳий, маънавий ҳолатимга таъийк ўтказди” деб ёзган мурожаати бўйича ўрганиш жараёнида мактаб жамоасидан сўриштурув ишлар ўтказилганда, ҳақиқатданда жорий йил 5 апрел куни мактабда барч техник ва педагог ходимлар учун умумий йиғилиш ўтказилиб, ташкилий масалалар айтиб ўтилган. Бундан сўнг педагог ходимлар учун йиллик иш режасида кўрсатиб ўтилган навбатдаги педагог кенгаш мажлиси ўтказилган. Ўтказилган йиғилиш масаласи бўйича мактабда ишловчи ходимлар Б.Оразымбетов, Б.Курбанов, Ю.Уреев, Ш.Юлдашева, Д.Ещанова, А.Худайбергенова ва бошқада ходимлар ўзларининг тушунтириш хатларида баён қилиб ўтган. Фуқаро Э.Қадированинг мурожаатида келтириб ўтилганидек, мактаб директори О.Абдихаликов томонидан Э.Қадировага камситиш, қадрига, обрўсига тегадиган сўзларни айтганлиги ёки айтмаганлигига аниқлик киритиш Халқ таълими вазирлиги ваколатига кирмаганликдан, ушбу масалага аниқлик киритиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги Қонунининг 25-моддасига асосан Тахиатош тумани Ишқи ишлар бўлимига жорий йил 9-апрелда вазирликнинг 01-02/1-1777-сонли хати юборилди.

Фуқаро Э.Қадировага мурожаатини кўриб чиқилиши натижасидан нарози бўлган такдирда юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилиши мумкинлигини билдирамиз.


Илова: Фуқаро Э.Қадировага Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан юборилган жорий йилнинг 18 март кунги 01-02/1-1327- ва 23 март кунги 01-02/1-1384-сонли хатлари, тегишли тартибда тузилган далолатнома, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил 7 апрелдаги 22-ИЖ-сонли бўйруғи, Тахиатош тумани халқ таълими бўлимининг 2021 йил 16 мартдаги 92-сонли бўйруғи илова қилинади.

Вазир



Р.Реимов

Ижрочи: М.Даулбаев
Тел: 612222465



АКТ

« 9 » апрель 2021-жыл

Тақыятас району

Дүзиледи усы акт төмендегилер қатнасында:

М. Даурбаев ҚРХБМмигемесің үлгіле орта
белесі бересі мәж. түрлі мүрлі
болмем бас қамгем.

Б. Раимяров Нокис қамалық 17-саяла мектеп ОУИБДО

С. Алмаказарова Тақыятас РХББ юрик консулт

Г. Аметова Тақыятас РХББ басл. қл б/ша мектепте

Акт мазмуны төмендегіше

Тақыятас рай/мақ 10-саяла Ұ.О.Б.Б. мек/н тарихи және
мүр/и Ә.Кадированың үсә тәрт/н 2-апрель күни
Өзб. Рес ХБМмигемесің «Исемелі телеарна» на, 6-апрель күни
Өзб. Рес бас прокуратурада, ХБМмигемесің, ҚРПрокуратурада
ж ХБМмигемесің, 7-апрель күни Өзб.Р.Президенті, Ис. телеарнада
еткен мүр/тәрт/н б/ша ҚР.ХБ.Ммигемесің 2021-жыл 8-апрельде
93-саяла бұйрықта тиіс/де исәи тәрт/н үй/ү түр/н
исәи барында. Үй/ү түр/н барында Ә.Кадирова
хабардар еткер. Бұл нұқар/н мүр/де келт/ген мәс/р бұйрық
сәд/и үсә тәрт/н 9-жыл 12-март күни қызған мүр/де
тиіс/н түр/н берил/ген түр/н өткер. Бұл нұқара
өзге бер/ген нұқар/н қаматлап бай/ғам, нұқар/н
б/сада рай/мақ 10-саяла Ұ.О.Б.Б. мек/н 3^дкелес/к 13 сая
сабатын беріп қ/камгем талап етти. Бұл нұқара басл. қл
б/ша 2013-ж қайта тадр. күрәисәи өткер, бұйрық сәд/и
басл. қл б/ша қза. арт/ү күрәисәи өкәссә тәрт/н сәд/и дәр.
бұйрықта м/и қамгем мүр/н берил/ген түр/де. Ә.Кадирова өзг/н
мүр/н б/ша түрәисәи қам тәрт/н берил/ген бас тәрт/н
жыл тиіс/н мәрт/н бәкт дүзилген.

Акт қатнасы ұшыларға дауыслап оқып еситтирилди, дурислығына қол қойышылар:

- | | | |
|----|------------------------|------------------------|
| 1. | <u>М. Даурбаев</u> | <u>М. Даурбаев</u> |
| 2. | <u>С. Алмаказарова</u> | <u>С. Алмаказарова</u> |
| 3. | <u>Г. Аметова</u> | <u>Г. Аметова</u> |
| 4. | <u>Б. Раимяров</u> | <u>Б. Раимяров</u> |
| 5. | | |

"O'zbekiston pochta"



aksiyadorlik jamiyati

3/2527

-son KVITANSIYA

(kvitansiya yoki shtrixli pochta identifikatori raqami)

buyurtma 3 n. qabul qilishda

(jo'natma turi) (alohida belgisi)

Qayerga Taymorat bo'limi

Kimga E. Kagalova

Og'irlik 200 g.

Jo'natish uchun to'lov 1750 m tiyin

Qabul qildi (imzo)

O'zbekiston Respublikasining «Pochta aloqasi to'g'risida»gi Qonuniga muvofiq pochta aloqasi obyektlari berilgan kundan boshlab 6 oy davomida qabul qilingan pochta jo'natmalari uchun javob beradilar



(berilgan 6 oy taqvim shtempli izi)